



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 22 ноябрь, № 226 (5393)

Сешанба

## ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИМКОНИЯТ

саноатимизнинг тобора юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда

**Кулай сармовий муҳит тадбир-корлик соҳаси ривожда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда ишбилармонлар, кичик бизнес вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

### Жараён

Бундай ислохотлар чекка ва олис қишлоқларга ҳам саноатнинг дадил кириб боришига мустаҳкам замин яратаяпти. Эътиборлиси, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозор эҳтиёжини қондирибгина қолмай, экспортбўлиги билан ҳам ажрала турибди. Буни Бухоро вилояти, Пешку тумани, Афшона қишлоғидаги "Пешкутекс" кўшма корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган калава ипнинг сифати кафолатланган, — дейди мазкур кўшма корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Жамшид Баракаев. — Бунга технологияларимизнинг замонавийлиги ҳамда ишчиларимизнинг юқори маҳоратга эга эканлиги эвазига эришяпмиз. Фикримиз далили сифатида бир неча рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. Жорий йилнинг тўққиз ойида 294 тонна калава ипни экспорт қилишга муваффақ бўлдик. Бу маҳсулотнинг салкам тўқсон фоизини ташкил этади.

"Пешкутекс"да, асосан, қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаёпти. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашган, шундай замонавий корхонада ишлаётганидан мамнуллигини билдиради.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА:** корхонанинг малакали оператори Нилуфар Туропова шогирдлари Озода Пирова ҳамда Гулчирай Ражабовага иш тажрибасини ўргатмоқда.

**Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси олтидан**

## ПРОФЕССИОНАЛ СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ

солиқ муносабатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Бугун мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инвесторлар учун кулай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чуқур ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки, бу борадаги кўнунчиликнинг изчил такомиллаштирилиши, турли молиявий ва ташкилий-иқтисодий имтиёзлар берилган, янги хизмат турлари яратилган, аҳоли шунлар жумласидан.

Албатта, мазкур ислохотларни ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш жараёнида жисмоний ҳамда юридик шахслар фаолиятида солиқ маслаҳатининг аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, бу хизмат орқали турли ҳужжатлар юритувчи субъектлар, фуқаролар профессионал солиқ маслаҳатларини олиб, ўз солиқ муносабатларини тартибга солишлари. Мамлакатимизда солиқ маслаҳати 2006 йилдаги "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ҳаётга татбиқ этилган. Ушбу Қўнун қабул қилингандан бундан аҳоли ўртасида солиқ хизматини оммалаштириш, уни ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Натижада юртимизда бундай хизмат кўрсатадиган солиқ маслаҳати ташкилотлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунда, айниқса, солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига кулай шароитлар яратиш мақсадида 2010 йилдан солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 2-бетда).

## МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ:

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Тошкентда "БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Германия, Словения, Украина, Жанубий Корея, ЕХТ, БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотларнинг етакчи экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, олимлар иштирок этди. Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараёнинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда ўтган Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдида қўйилган вазифаларни изчил амалга ошираётгани, уларни бажариш борасида кўплаб қўрсаткичлар бўйича етакчи эканлиги таъкидланди. Президентининг Исроил Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан барча жаҳонларда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий манфаатларини таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг изчил амалга оширилиши бундай муваффақиятли ривожланишда муҳим омил бўлмоқда.

Хорижий экспертлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатимизда барча демократик туб ўзгаришлар, жумладан, давлат бошқаруви тизимининг эркинлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, ижтимоий институтлар ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилаётган, ҳар томонлама кенг қамровли, ҳар узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган "Ўзбек модели" ҳамда ривожланишнинг беш тамойили юқори самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Иштирокчиларнинг умумий фикрича, Президент Исроил Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берган комплекс туб ўзгаришлар янги босқичнинг устувор йўналишлари ва бу борада қайд этилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари вазифаларига тўла жавоб берадиган давлат сиёсати ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Экспертларнинг фикрича, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш дунёнинг барча давлатлари ҳам Ўзбекистондаги каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари даражасига кўтарилгани йўқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январда қабул қилинган қарори ҳам шундан далолатдир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистонда 2015 йилгача БМТнинг Мингйиллик ри-

вожланиш мақсадларини амалга оширишга доир комплекс қўшимча чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу тизимли чора-тадбирлар Мингйиллик декларациясида белгиланган барча саккиз мақсад бўйича 88 устувор йўналишни ўз ичига олган. Мустақил ривожланиш даврида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 3,5 баробардан ошди. Сўнгги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистонда дунёда энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан бирига эришилди. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Ушбу соҳани янги ички маҳсулотни шакллантиришга қўшаётган улуши Европадаги ўртача кўрсаткичга яқинлашди. Семинарда қатнашган мутахассисларнинг фикрига кўра, аниқ мақсадга қаратилган инвестиция сиёсати, тармоқларни ривожлантиришга доир амалга оширилган комплекс дастурлар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ҳар йили изчил ўсиб бориши, 2015 йилда унинг ҳажмини 1,5 баробарга кўпайтириш учун аниқ шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда эришилган ютуқлар соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли турли қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш со-

ҳасида самарали ижтимоий сиёсатни рўйбга чиқариш имконини бераётди. Жорий йилда Давлат бюджети барча сарф-харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун, жумладан, 48 фоизи таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

"Ўзбекистон мамлакат Президент раҳнамолигида юксак натижаларга эришмоқда, — дейди "ABU consult Berlin GMBH" лойиҳаси директорлар кенгаши аъзоси Ева Мария Хенкел (Германия). — Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага катта миқдорда йўналтирилаётган инвестициялар аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар дунёдаги етакчи мамлакатлар натижаларидан кам эмас. Ўзбекистонда 12 йиллик умумий бепул таълим ва аҳолига замон талабларига мос тиббий хизмат кўрсатиш таъминланган. Бундай ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммасига олган давлатлар ҳозир жуда кам. Европа Иттифоқининг эксперт ҳамжамияти Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жараёни ва бошқа давлат дастурларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши Мингйиллик ривожланиш мақсадларига белгиланган вазифаларни ҳал этиш ва Ўзбекистонни янада ривожлантиришга хизмат қилади".

(Давоми 3-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлик, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш — мамлакатимиз Конституциясининг бош мақсади, асосий тамойилларидандир. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, барча жаҳонларни демократик янгилаш, босқичма-босқич ва изчил ислохот этиш борасидаги амалий сазй-ҳаракатлар самарасида бу эзгу мақсадлар рўйбга чиқмоқда. Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, халқимиз ҳаёти, онгу тафаккурида юз берган ўзгаришлар ана шундан ёрқин далолатдир.

Президентимиз Исроил Каримов гоёяси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси буларнинг барчаси учун мустаҳкам ҳуқуқий асосдир. Зеро, бу муҳим ҳужжат, унда белгиланган барча қоидалар мустақил давлат сифатида танланган йўлимизда собитқадам боришимизнинг асосий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОВЕВ билан Конституцияимизнинг халқимиз ҳаётида тугган ўрни, унда белгиланган қоидалар асосида инсонларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар ва уларнинг юксак самаралари хусусида суҳбатлашди.

қиллигини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таъкидлаш — Конституциямизда эътироф этилган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёни изчил давом этиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда. Айни шу жиҳатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда ўтказилган соҳага оид қатор халқаро анжуманларда нуфузли экспертлар, хорижий мутахассислар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЛ АРДОҒИДАГИ САЊАТКОРНИНГ ҚАЛБ НАВОЛАРИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг концерти бўлиб ўтди.

Тинч ва фаровон, одамлари ҳаётдан рози бўлиб яшаётган юрда санъат равнак топади. Элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, одамлар қалбига эзгу инсоний туйғулари уйғотиш, ёшлар маънавиятини бойитишда мусиқа санъатининг таъсири ва аҳамияти гоёя юксакдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш, унинг бетакрор аънава ва мактабларини тиклаш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Юртимизда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, санъат ҳафталиклари, турли кўрик-

(Давоми 4-бетда).

## Бир рақам шарҳи

Мамлакатимизда

2011

йилнинг январь — сентябрь ойларида экспорт ҳажмининг ўсиши

21,4

фоизни ташкил қилди.

### Тадбир

янада кенгайтириш имконияти беради. Жумладан, унда оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган тегишли тақлиф ҳамда гоёлар рўйи ана шу имкониятларни

(Давоми 2-бетда).

## Экспорт ҳажми ошмоқда

Товарлар ва хизматлар экспортининг бундай юқори суръатда ўсиши Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва жадал ривожланаётгани, жаҳон бозорида рақобатбардошлиги ошиб бораётганидан ёрқин далолатдир. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандартларга тўла мослиги, сифат кўрсаткичларининг юқори эканлиги дунё миқёсида тан олинганини ҳам аниқлатади.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз худудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, шу жумладан, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, аънавий ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, аънавий сотиш

бозорларидаги позицияларни мустаҳкамлаш ҳамда янги бозорларни ўзлаштиришга доир фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг натижасида, айниқса, озик-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металллар, машина ва ускуналар, шунингдек, хизматлар экспорти кескин ошди. Бундан ташқари, натрий селитраси, поликарламид, юк автомобиллари, жез прокат, композит панеллар, гипсокартон буюмлар, тез музлатилган маҳсулотлар ва бошқа янги турдаги кўплаб товарларни экспорт қилиш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси экспорт географияси кенгайиб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган турфа маҳсулотларимизнинг дунёнинг кўплаб давлатларига кириб боришига хизмат қилмоқда.



МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетдан)

Хорижлик экспертлар таълим сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга қаратилган, ўз мазмун-моҳиятига кўра ноёб кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самараларини ҳам юксак баҳолади. Мамлакатимиз Конституциясида барча фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши кафолатланган. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари ва халқаро стандартларга биноан, ўқув дастурлари ҳамда касбий таълим йўналишлари такомиллаштирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Юқори малакали бепул шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатиш тизими, қишлоқ врачлик пунктлари, скрининг ва перинатал марказлари тармоғи ташкил этилди, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт соҳаси учун кадрларни тайёрлашга ёндашувлар тубдан ўзгарди. Натижада мамлакатимизда истиқлол йилларида оналар ва болалар ўлими уч баробар камайди. Аҳолининг касалликка чалиниши умумий даражаси ҳам пасайди. Аҳолининг ҳатто қишлоқ жойларда ҳам сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланиши таъминланмоқда. Умуман олганда, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш борасидаги муҳим кўрсаткичлардан бири — одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга ошди. Экспертларнинг қайди этиши-

ча, бу МДХ давлатларидаги энг юқори кўрсаткичдир.

“Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш учун ноёб инвестицион муҳит яратилган, мамлакатимиз дунёда ялпи ички маҳсулот ва асосий капиталга сарфланаётган инвестициялар бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирини намойиш қилмоқда, — дейди Жанубий Кореянинг “Шингонд рिसорсез” компанияси бош маслаҳатчиси Санг Юн Ким. — Ўзбекистон ўз ижтимоий сиёсатини амалга оширишда иқтисодий ютуқлардан, айниқса, инсон ресурсларини ривожлантиришга қўмақлашувчи соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида эришилган самаралардан оқилона фойдаланмоқда. Бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича кўп босқичли ноёб тизим амалга оширилмоқда. Хар бир фуқаро тиббиёт соҳасида юқори малакали хизматлардан баҳраманд бўлмоқда. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва бепул хизмат кўрсатадиган иқтисослаштирилган тиббиёт муассасалари тармоғининг ташкил этилгани оналар ва болалар ўлимининг бир неча баробар камайиши имконини бермоқда — бу мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ва муҳим самаралариридандир. Ўзбекистон ҳукумати Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган ноёб дастурини қабул қилди. Мингйиллик ривожланиш мақсад-

ларини марказ, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида амалга оширадиган миллий инфратузилмани ташкил этиш дастурининг ана шундай ноёб жиҳатларидандир”.

Семинар қатнашчилари Марказий Осиёда экологик барқарорликни ва минтақанинг сув ҳамда энергетика ресурсларидан бу ерда яшашга барча халқлар манфаатидан қайтариб олишга қўмақлашувчи фойдаланиши таъминлаш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг ушбу муҳим масалаларни ҳал қилиш борасидаги қатъий позицияси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қатъий эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қатор давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари ҳаётга таъбиқ этилаётди. Мамлакатимиз ушбу соҳада халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда.

Семинарда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишда фуқаролик жамияти институтлари — сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этаётгани Ўзбекистоннинг бу борада эришаётган юксак натижаларидан ҳисобланиши таъкидланди. БМТ Мингйиллик мақсадларига ҳамоханг миллий ривожланиш мақсадларига эришиш билан боғлиқ қўлаб-

масалаларни ҳал этишда, бу борада амалга оширилаётган давлат дастурлари ижросини мониторинг қилишда уларнинг роли тобора ортibo бораётди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик институтлари аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишга хизмат қилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлашга қўмақлашувчи мақсадлар билан самарали мулоқотини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Шу муносабат билан хорижлик экспертлар Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган фуқаролик институтларини ривожлантиришга доир қўнуқчилик ташаббуслари алоҳида долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Унга мувофиқ, янги қўнуқлар пакетининг қабул қилиниши соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурлари ва қатъий ижтимоий аҳамиятга эга бошқа ҳужжатларни бажаришда фуқаролик институтларининг иштирокини кенгайтириш бўйича ҳуқуқий асос яратилди.

“Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини фаол ривожлантириш учун ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий база шакллантирилган, — дейди Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори Виталий Кулик (Украина). — Миллий

парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўлаб-қувватлаш жамоат фонди ва маҳалла каби фуқаролик институтининг самарали фаолияти экспертлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Негаки, бу фойда ноёб ҳодисадир. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ислохотларнинг “Ўзбек модели” доирасида амалга оширилаётган вазифаларга тўлиқ мос келади. Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, фуқаролик жамияти, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш борасидаги тажрибаси Украина ҳамда бошқа ривожланаётган мамлакатларда қатъий қизиқиш уйғотмоқда. Яна шунини таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, Экологик ҳаракатнинг Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизи ҳавзасини экологик соғломлаштириш, минтақа сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга доир лойиҳаларининг амалга оширилиши мазкур институтлар фаолиятининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини ҳаётга таъбиқ этишга оид ишлардаги муҳим натижасидир. Бундан Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ибрат олас арзийди”.

Мухтасар айтганда, амалий мулоқот руҳида ўтган халқаро семинар қатнашчилари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга доир вазифаларини бажаришда Ўзбекистон қатъий ижтимоий таъбиқбага эга эканини таъкидлади. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига аъзо қўлаб бошқа ривожланаётган давлатлар учун модель бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Парвозлар бекор қилинди

Қуюқ туман туфайли Лондондаги “Хитроу” ҳамда “Лондон Сити” аэропортлари иш тартиби издан чиқди.

“AFP” ахборот агентлиги хабарига кўра, жами 176 та рейс бекор қилинган. Аэропортлар маъмурияти йўловчиларга сафарга чиқибдан аввал хизмат кўрсатувчи компанияга мурожаат этиб, парвоз ҳақида аниқ маълумот олишни таклиф қилмоқда.

Банклар зарар кўриши мумкин

“Fitch” халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари Европанинг бир қатор мамлакатларида давом этаётган иқтисодий инқироз АҚШнинг йирик банклари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини маълум қилдилар.

“JPMorgan Chase”, “Bank of America”, “Citigroup”, “Wells Fargo”, “Goldman Sachs” ва “Morgan Stanley” каби молия муассасалари шулар жумласидандир. Чунки ушбу банклар Греция, Ирландия, Испания, Италия ва Португалия билан сармоявий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Зилзила содир бўлди

Мьянма шимол-ғарбда 5,9 балли зилзила содир бўлди.

Бу ҳақида “ИТАР-ТАСС” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ. Табиий офат маҳаллий аҳоли ўртасида саросимани келтириб чиқарган. Чунки жорий йилнинг март ойида бу ерда юз берган кучли ер силқиниши туфайли 150 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 400 га яқин тураржой ва қарийб 15 та маъмурий бино жиддий зарарланган. Одамлар ана шу муҳим воқеа тақрорланишидан ҳадиксиролмоқда.

Таназзул бартараф этилмади

Нидерландиянинг “ABN Amro” банки жорий йилнинг учинчи чорагини 500 миллион евро миқдоридаги зарар билан аяқуланган.

Гап шундаки, банк жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермасдан олдин Грецияга тегишли 1,5 миллиард евро қийматидаги қимматли қоғозларни сотиб олганди. Ҳозир ушбу мамлакатда иқтисодий танглик кузатилмоқда. Бу эса банкнинг катта миқдорда маблағ йўқотишига сабаб бўлган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, инқироз даврида “ABN Amro” банкни талафотлардан асраш мақсадида у ҳукумат тасарруфига ўтказилган. Қўриниб турибдики, бу чора ҳам молия муассасасини салбий ҳолатдан асраб қололмаган.

Аёллар қанча вақт сир сақлай олади?

Хорижлик бир гуруҳ мутахассислар ушбу саволга жавоб топиш мақсадида тадқиқот олиб боришди.

Бу жараёнга уч минг нафардан зиёд хотин-қиз жалб этилган. Уларнинг аксарияти сирни ҳеч кимга айтмасликларини билдиришган. Бир қисми эса сир сақлашга ожиз эканини маълум қилишган. Хуллас, ҳисоб-китоб қилинганда, аёлларнинг сир сақлаши кўпи билан 32 дақиқадан ошмаслиги аниқланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Биз ва дунё

минтақаси мамлакатлари Сайёҳлик уюшмаси, Саёҳат ва сайёҳлик бўйича умумжаҳон кенгаши ҳамда бошқа нуфузли ташкилотларнинг

ўтди. Ундан кўзланган асосий мақсад “Ипак йўли” брендини жаҳон сайёҳлик бозорига муносиб ва кенг миқёсда илғари суриш билан изоҳланади. Йигиллишда “Ипак йўли” лойиҳаси доирасида Ўзбекистонда республика шаҳарлари оралигида йўл инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган диққатга молик ишлар тўғрисидаги маълумот ҳавола қилинди.

«Жаҳон» АА, Лондон.

Буюк Британия пойтахтидаги ExCel кўргазмалар мажмуида 32-Жаҳон сайёҳлик ярмаркаси (World Travel Market) бўлиб ўтди. Европа минтақасида мейёси жиҳатидан иккинчи ўрнида турадиган ушбу сайёҳлик анжумани Лондонда 1980 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинади.

дунёнинг 230 мамлакатидан 5 миңдан зиёд компания ўз маҳсулотини намойиш этди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг 3 миң нафар-

моийш этилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Анжуман чоғида турли тақдимот, семинар, конференция ва бошқа тадбирлар

МАМЛАКАТИМИЗ ЛОНДОНДАГИ САЙЁҲЛИК АНЖУМАНИДА

World Travel Market дунё сайёҳлик индустриясидаги асосий анъанавий сайёҳлик форумларидан бири бўлган ҳолда, у иштирокчиларга жаҳон сайёҳлик бозори тарқиқети ва ундаги йўналишлар, бу бизнесдаги рақобатбардошлиқнинг юқори даражасини таъминлаш усуллари тўғрисидаги атрофлича маълумотларни тақдим эта-

ди. Мазкур анжуман янги шериклик алоқаларини урнатил, музокаралар олиб бориш ҳамда ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш учун барча шарт-шароитни яратиб бериши билан ҳам эътиборга сазовордир. Жорий йилда World Travel Market 50000 квадрат метр майдонни эгаллади. Унда

дан кўпроқ вакиллари мазкур анжуман ишини ёритдилар. Ўзбекистон пештахтаси Кўргазмалар марказининг Осиё бўлимидан қолди. Унда ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, унинг замонавий ҳаёти ва бетакор сайёҳлик салоҳияти муносиб равишда на-

ҳам уюштирилди. Жумладан, форум доирасида Ўзбекистон, Миср, Қатар, Норвегия, Кения, Мексика, Парагвай, Ямайка, Гамбия сингари жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакат сайёҳлик вазирликларининг раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган вазирлар саммитида Осиё — Тинч океани

раҳбарлари эксперт сифатида сўзга чиқдилар. Шунингдек, World Travel Market анжумани доирасида биринчи мартаба Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Умумжаҳон Сайёҳлик ташкилотининг (IУНВТО) Буюк Ипак йўли бўйича Ишчи гуруҳига аъзо мамлакатлари йиғилиши бўлиб


Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:
«соя» рангли камуфляж қишки куртқалар ва шимлар, «қум» рангли камуфляж қишки куртқалар ва шимлар, «соя» рангли камуфляж ёзги костюмлар, «қум» рангли камуфляж ёзги костюмлар, денгиз тўлқини рангли ипаралашган жунли ёзги кепилар.
Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Талабгорлардан тендер савдоларида қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 иш куни давомида қабул қилинади.
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:
қўнжи баланд бўлмаган формали қора рангли ботинқалар, иссиқ тутадиган формали қора рангли ботинқалар, офицерлар таркиби учун қўнжи баланд ботинқалар, оддий таркиб хизматчилари учун қўнжи баланд ботинқалар, кирза этиқлар, аёллар туфлилари.
Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Талабгорлардан тендер савдоларида қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 иш куни давомида қабул қилинади.
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ ҚҚ
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)
СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.
ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.
Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.
Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.
КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.
ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.
МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Micros
Ўзбекистондаги расмий ҳамкори
ТАРОЗИ
БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!
ЛАБОРАТОРИЯЛАР, БОЗОРЛАР, СУПЕРМАРКЕТЛАР ВА ТИББИЁТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН
АКЦИЯ!
КУЗГИ ЧЕГИРМАЛАР
25% гача
Тошкент ш., - Тўйтепа к., 5, (ЎЗР Патент идораси қаршида), тел.: (+99871) 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07.
- Кичик Бешёғоч к., 86 (Глинка к., олдинги шаҳар ЙҲХББ биноси рўпарасида), тел.: (+99871) 281-43-58, 281-43-64, факс: 281-43-65.
www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
“Ўзбекэнерго” ДАК раҳбарияти ҳамда жамоаси Иқтисодиёт ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи Абдуҳамид Жўраева падари буюрқовини Туроббой ота ЖўРАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ЭЛ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОРНИНГ ҚАЛБ НАВОЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Элу юрт ардоғидаги хонанда, ўзбек миллий музыка санъатининг етук намоёниси Муножат Йўлчиева концертнинг халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилишида рамзий маъно муҳассас. Зеро, ушбу муҳташам қошона нафақат миллий мейморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси, айти пайтда мамлакатимизнинг юксак иқтисодий, интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари ифодасидир.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча жойларида бунёд этилган маданият ва санъат саройлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат институтининг муҳташам бинолари, концерт заллари, ижодий марказлар, студиялар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ижрочилик санъатимизнинг ўзига хос анъаналарини давом эттириш, ёшларни миллий меросимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялашдек улғувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Шу кунги ушбу муҳташам сарой байрамона тароват касб этди. Концертга ташриф буюрган санъат иҳлосмандлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, чет эллик меҳмонлар ва кенг жамоатчилик Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини катта қизиқиш билан томоша қилди. Ушбу қошона тимсолида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мустақиллик йилларида

эришган муваффақиятларини яна бир бор яққол тасаввур этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур маданий тадбир халқимизнинг жаҳон эътироф этган санъаткор ижодига ҳурмати ҳамда муҳаббатининг ёрқин намунаси.

Муножат Йўлчиеванинг ижоди нафақат халқимиз, балки халқаро миқёсда ҳам миллионлаб инсонларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Ўзбекистон давлат консерваториясида анъанавий хонандлик ва мактаб ижрочилиги сиқларини ўрганган санъаткор миллий мумтоз кўшиқлар, мақомлар, катта ашуларни маромига етказиб кўлайди. Ноёб овози, туйғулarga бой ижроси, юракдан кўйлаш услуби мусиқа иҳлосмандларини ўзига ром этди.

Хонанда 1997 йилда Самарқандда илк марта ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида биринчи ўринга лойиқ топилган. Устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев раҳбарлигидаги мусиқачилар гуруҳи билан бирга Осие, Европа, Америка, Африка мамлакатларида кўп бор ижодий сафарларда бўлган. «Ўзбекистон санъати кунлари», фестивал ва концертларда миллий санъатимиз жозибасини намойиш этиб, жаҳон мусиқа иҳлосмандлари, санъатшунослар-

нинг эътирофи ва олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

— Юртимизда Муножатнинг кўшиқлари кириб бормаган хонандон йўқ, десак, муболага бўлмайди, — дейди тошкентлик Момохон ая Салоҳиддинова. — Миллий мусиқий меросимиз, мақом намуналари, мумтоз наволар инсонни руҳан поклайди, юксалтиради. Тингловчининг қалби ва онгида олижаноблик, ирода, сабр-қаноат,

саройини кўриш учун Кўкдан келдим, — дейди Қўлдошли Худойбердиев. — Юртимиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт туфайли истиқлолимиз, саодатли кунларимиз, яратувчанлик, бунёдкорлик тимсолига айланган шундай кўркем бинолар бунёд этилмоқда, байрамлар ўтказилмоқда. Миллий мумтоз кўшиқларимизнинг инсон қалби ва тафаккурига таъсири руҳият, маънавият, ички кечинмалар билан узвий боғлиқ. Шунинг учун бўлса керак, Муножат Йўлчиева ижросидаги кўшиқларини миллати, тилидан қатъи назар, барча халқлар вакиллари роҳатланиб тинглайди.

— Ўзбекистонга келган сайёҳ бу ажиб диёрнинг бой тарихи, маънавий мероси, санъати ва маданиятига, албатта, мафтун бўлиб қолади, — дейди америкалик Адам Смит Альбон.

— Мен Муножатнинг кўшиқларини дискда кўп марта эшитгандим. Энди унинг жонли ижросини тинглашга мушарраф бўлдим. Бу концертда турли ёш, миллат, мамлакат вакиллари учратдим. Хонанда юракдан кўйлайди, шу боис ўзбек тилини билмаган мухлис ҳам унинг ижросини берилиб тинглайди. Мумтоз куй-кўшиқларининг инсон руҳини поклайди, маънавиятини юксалтиради. Концерт юксак савияда ўтди. У мана бундай муҳташам саройда бўлгани унинг таъсири кучини янада оширди. Ундан ҳар бир инсон катта маънавий озуқа, ижодий қувват олди.



ҳалоллик сингари эзгу фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Севимли санъаткоримиз репертуари ҳам айти шундайлигида ижро намуналаридан иборатдир. Жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари вакиллариининг хайра-ҳавасини келтирувчи бундай муҳташам анжуманлар саройида соҳирнафас хонанда концертининг ўтказилиши Президентимиз Ислам Каримов томонидан ижод аҳли, санъат иҳлосмандларига кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор ифодасидир.

— Севимли хонандамизнинг концертини, айти вақтда «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар

Мамлакатингизда маданият, санъат, маънавият ривожини йўлда кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ана шундай байрамлар, концертларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

— Жаҳоннинг кўлаб мамлакатлари саҳналарида концертлар берган бўлсам-да, халқимизнинг меҳри барибир бўлакча, — дейди Ўзбекистон халқ артисти М. Йўлчиева. — Истиқлол йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, бой маънавий меросимизни жаҳонга танитиш учун кенг имкониятлар яратилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг санъат аҳлига ғамхўрлигини ҳаётимиз, кундалик фаолиятимиз, ижодимизда доимо ҳис этиб яшаймиз. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ санъаткорлар қатори меннинг ҳам меҳнатларим қадрланиб, Юртобшамиз Фармониغا асосан, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландим. Бунинг учун Президентимиздан беҳад миннатдорман. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида — муҳташам, бетақорро қошонада кўйлаш, яққоҳон концерт бериш ҳар қандай хонанда учун олий бахт! Ана шу эътибор бизга ҳаммиса рухий мадад, маънавий қувват, чексиз илҳом бағишлайди. Домий илзанишга, янгидан-янги, янада мукамал, халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи кўшиқларни мухлисларга тақдим этишга ундайди. Зеро, буюк аждодларимизга бешик бўлган шу табаррук Ватанини кўйлаш, унинг саховатли, меҳрирдор, самимий, покиза қалби халқига хизмат қилиш санъаткор учун буюк саодатдир.

Юксак ва кўтаринки савияда ташкил этилган, мумтоз наволар, жозибали рақслар билан ўтган концерт ўзига хос байрамга айланиб кетди. Халқимизнинг ардоқли хонандасининг юксак савияли, нозик диали, ғоят маданиятли концерт дастури барчада ўчмас таассурот қолдирди.

Юксак ва кўтаринки савияда ташкил этилган, мумтоз наволар, жозибали рақслар билан ўтган концерт ўзига хос байрамга айланиб кетди. Халқимизнинг ардоқли хонандасининг юксак савияли, нозик диали, ғоят маданиятли концерт дастури барчада ўчмас таассурот қолдирди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА МУХРИБИ,  
Аъло АБДУЛЛАЕВ  
олган сурат.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Наманган вилояти филиали

Бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 28 августдаги 16-1003-10310-сонли ижро варақасига асосан суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Янгиқўрғон кўчаси, 5-уйда жойлашган «2523-автожамланма»га тегишли маъмурий бино ва дурадгорлик цехи бино ҳамда иншоотлари кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 168 045 346 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан арзиларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.  
Тел.: (8-369) 226-27-01, 226-54-47, 626-60-16.

Лицензия: RR-0001.

## Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

Куйидаги вакан лавозимларга ўқитувчиларни танлов асосида таклиф этади:

Гуманитар-иқтисодий фанлар кафедрасига:

- Инглиз тили фани бўйича катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Табий-математика фанлари кафедрасига:

- Табий-математика фанлари кафедраси мудири.
- Физика фани бўйича доцент лавозимига — 1 ўрин.

Арзилар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Батафсил маълумотлар учун университет ходимлар бўлимига ёки куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 246-20-53, 246-10-18.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқ йўли кўчаси, 17-уй.

### Файз

Олтинсой туманидаги «Shodi-Akbar orzusi» хусусий корхонасида йилга 16 тонна миқдорда турли хилдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди.

## Замонавий технология меваси

— Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 50 миллион сўм сарфладик, — дейди корхона раҳбари Акбар Саидов. — Ширинликларимиз сифати аъло бўлганлиги боис ички бозорда харидорлар эъти-

борига тушиб улғурди. Утган қисқа муддатда 10 кишилик жамоамиз аҳоли дастурхонига икки тоннадан зиёд қандолатларни тортиқ этди.

Н. ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Сифат ва самара уйғунлиги

Мирзаобод туманидаги Богистон маҳалласида жойлашган қишлоқ врачлик пункти мукамал таъмирдан чиқарилгач, бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Саломатлик

Шунингдек, бу ерда аҳолига табиий хизмат кўрсатиш сифати ҳам тубдан яхшиланди. Бунинг учун давлат бюджетидан 128 миллион сўм сарфланди.

Маҳаллада мазкур иншоотнинг ишга туширилиши туфайли турли хасталикларни шу ернинг ўзида аниқлаш ва даволаш имконияти юзага келди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Реклама ва эълонлар

**ООО «СОРБ-ТЕХ»**

производство лекарственных препаратов для медицины и ветеринарии, а также высокоэффективных сорбирующих материалов, предназначенных для решения проблем экологии и водоподготовки

**Препарат «Бактимс»**

Противовоспалительное, ранозаживляющее, бактериостатическое и иммуностимулирующее средство. Основан на природных соединениях.

«Бактимс» является бактериостатическим иммуностимулятором и обладает универсальными противовоспалительными и ранозаживляющими свойствами, способен повышать местный и общий иммунитет.

«Бактимс» принимается внутрь и наружно.

«Бактимс» обеспечивает здоровье детей, женщин и мужчин.

Товар сертифицирован

Г. Ташкент, ул. Галаба, 3а. Телефон (+998 97) 721-27-53. Тел./факс 248-15-03.

**«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**  
**«ЎЗНЕФТАЗКАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

## ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

Куйидаги хом ашёни сотиб олиш юзасидан 12/11-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот сони	Хом ашё номи	Миқдори
Лот № 1	Этиленли пропиленнинг ўзгармас сополимери (PPR80)	350 тонна
Лот № 2	Қадоқловчи лента ишлаб чиқиш учун полипропилен хом ашёси	200 тонна

Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади.  
Тендер таклифи 1 000 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Фузур тумани, Шўртан кўргони.  
Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.  
Электрон почта: tender@sgcc.uz

**ОБ-ҲАВО**  
(22 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда ва кундузи 2-7 даража илқ, Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 2-7, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёмғир ёғиши қутилмоқда. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 2-7, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши қутилмоқда. Ҳарорат кечаси ва кундузи 5-7 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ГАЗ» РУСУМИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАКСУС ТЕХНИКАЛАР


ТНК Transneftkomplekt

ООО «Коммерческие автомобильные Группы ГАЗ» расмий дилери «Transneftkomplekt» ташкилоти

Тел.: 235 93 53  
111 35 24, 102 96 00  
E-mail: transneft66@mail.ru  
web: gazel-tnk.uz

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

Улғуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!



Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз,  
**UZEX** сўзини  
**8383** га юборинг.

Нархларнинг белгилари: ▲ — кўтарилган, ▼ — пасайган, сўм/кг

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР

**WWW.UZEX.COM**

САЙТИДА

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги уртача нархлар UZEX.COM УэРТХБ сайтыда

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орпнов.  
Набатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Набатчи — Д. Улғумуродов.  
Мусаҳҳах — С. Исломов.

1 2 3 4 5